

**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик
жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди
ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида**

М Е М О Р А Н Д У М

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (кейинги ўринларда “Қўмита” деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (кейинги ўринларда “Фонд” деб юритилади) биргаликда Томонлар деб номланувчилар:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Томонларнинг ваколатлари доирасида улар ўртасида конструктив ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш мақсадида қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

I. Ҳамкорлик мақсади

Томонлар ушбу Меморандум қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қилиб, энг муҳим йўналишлар бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштирган ҳолда давлат идораларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликдаги ҳамкорлигини ривожлантириш соҳасида ўзаро тажриба алмашиш ҳамда Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш масалаларида ўзларининг ваколатлари доирасида ҳурмат асосида икки томонлама манфаатли фаолиятни ривожлантириб, қўллаб-қувватлайдилар.

I. Ҳамкорлик мақсади

Томонлар ушбу Меморандум қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қилиб, энг муҳим йўналишлар бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштирган ҳолда давлат идораларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликдаги ҳамкорлигини ривожлантириш соҳасида ўзаро тажриба алмашиш масалаларида ўзларининг ваколатлари доирасида ҳурмат асосида икки

томонлама манфаатли фаолиятни ривожлантириб, қўллаб-қувватлайдилар.

II. Ҳамкорлик йўналишлари

Меморандум доирасида томонлар қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиради:

– Давлат субсидияси, гранти ва ижтимоий буюртмаси танловлари учун хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ролини янада оширишга қаратилган танлов йўналишлари ва дастурларини ишлаб чиқиш;

– Фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш мавзусида лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича кўникмаларини ошириш;

– Фуқаролик жамияти институтлари учун ҳамкорликда тизимли равишда семинар-тренинг, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

– гендер тенгликни, хотин-қизлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш жараёнларига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш мақсадида маҳаллий ҳамда халқаро ташкилотларнинг молиявий (грант) маблағларини жалб этиш;

– Фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ажратилган давлат субсидияси, гранти ва ижтимоий буюртмалари доирасида амалга оширган ишларини мониторинг қилиб бориш;

– Фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги жамоатчилик назорати механизмларидан самарали фойдаланишларига амалий ва молиявий кўмак бериб бориш;

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, шунингдек, жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳалардаги ўзгаришлар ҳамда янгиланишлар билан боғлиқ жараёнларни оммавий-ахборот воситалари ҳамда бошқа ижтимоий тармоқларда ёритиш;

– ушбу Меморандум доирасида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун фаолиятга оид тегишли ахборот ва маълумотлар алмашувини йўлга қўйиш;

Томонлар ўзаро манфаатли бўлган бошқа йўналишларда ҳам ҳамкорликни ривожлантиришлари мумкин.

III. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Томонлар қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

– Меморандумнинг 2-бобида назарда тутилган ҳамкорлик йўналишлари бўйича вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорликда режа ва дастурлар ишлаб чиқиш, шунингдек, учрашувлар, давра суҳбатлари, конференция, семинар, форумлар ва бошқа тадбирлар ташкил этиш;

– Меморандум ижросини таъминлаш учун томонларнинг вакилларида иборат ишчи гуруҳи тузиш;

– Меморандум доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун томонлар ўзларининг фаолиятига оид тегишли ахборот ва маълумотларни ўзаро алмашиш;

– ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этиш, томонларнинг имкониятидан келиб чиқиб, алоҳида шартномалар асосида молиявий жиҳатдан кўмаклашиш.

– бир Томон иккинчи Томондан олинган ёки ушбу Меморандум доирасидаги ҳамкорлик жараёнида ишлаб чиқилган ахборотларни иккинчи Томоннинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга тақдим этмаслик мажбуриятини олади.

IV. Меморандумга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

Томонларнинг ўзаро келишуви асосида ушбу Меморандумга илова сифатида ёзма шаклда расмийлаштириладиган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

V. Якуний қоида

Мазкур меморандум асосида Қўмита ва Фонднинг ҳамкорлиги белгиланган тартибда амалга оширади.


Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил муддатга амал қилади.

Мазкур Меморандумнинг ҳаракати Томонлардан бирининг ташаббуси билан исталган вақтда иккинчи Томоннинг 1 (бир) ой олдиндан ёзма равишдаги огоҳлантириш аризаси орқали тўхтатилиши мумкин.

Ушбу Меморандум бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада,
ўзбек тилида тузилди.


Унинг ҳар иккала нусхаси бир хил юридик кучга эга бўлиб, бир
нусхаси Қўмитада ва бир нусхаси Фондда сақланади.

Ўзбекистон Республикаси
Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси



2026 йил "30" январа
м-1

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик
жамияти институтларини қўллаб-
қувватлаш жамоат фонди



2026 йил " _ " _____

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги
Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик
жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш
жамоат фонди директори

О. Хусанов

(м.ў)

2026 йил ____ январь

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазир ўринбосари-
Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси раиси

З. Махкамова

(м.ў)

2026 йил ____ январь

**Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат
нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат
фонди билан ҳамкорликда 2026-2027 йилларда амалга оширадиган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/Р	Чора-тадбирнинг мазмуни	Бажарил иш муддати	Масъуллар
1.	Ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган хотин-қизларнинг касбий кўникмалар олишлари ва муносиб иш топишларига кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган ва йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизларни қўллаб қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	2026 йил давомида	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, маҳаллий ҳокимликлар, ҳудудий хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, ННТлар
2.	Хотин-қизлар ва оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 50 та ННТ лойиҳаларини молиявий рағбатлантириш орқали ижтимоий ҳимоя, бандлик ва	2026- 2027 йиллар	Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди

	хукукий саводхонлик йўналишларида аниқ ижтимоий натижадорликка эришиш.	давонида	Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишида фаолият юритаётган ННТлар
3.	Зўравонликнинг олдини олиш ва оилани мустаҳкамлашга қаратилган профилактик лойиҳаларни амалга ошириш орқали оилавий зўравонлик ҳолатларини камайтиришга эришиш	2026 йил давомида	Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишида фаолият юритаётган ННТлар
4.	10 000 нафар ёш оилалар учун онлайн ҳукукий платформани яратиш орқали оилаларда барқарор фаровонлик ва ҳукукий маданиятни кенгайтириш.	2026 йил давомида	Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишида фаолият юритаётган ННТлар
5.	Вертикал тизим орқали Давлат-ННТ ҳамкорлигини кучайтириш	2026 йил давомида	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, маҳаллий ҳокимликлар, ҳудудий хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, ННТлар
6.	Илғор тажрибаларни умумлаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ва уларнинг тақдиротларини ўтказиш.	2026 йил давомида	Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишида фаолият юритаётган ННТлар
7.	Миграциядан қайтган, жазони ижро этиш	апрел-	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Олий

	муассасаларидан озод этилган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашувига, улар билан манзилли ишлаш орқали зарур ёрдамлар олишларига кўмаклашиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.	декабр	Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишида фаолият юритаётган ННТлар
8.	Миллий кадриятларнинг хотин-қизлар тарбиясида аҳамиятини ошириш мақсадида Оила ва ва хотин-қизлар кўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ва ННТлар масъул ходимлари ҳамда хотин-қизлар иштирокида маҳаллалар ва таълим муассасаларида учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этиш.	сентябр-декабр	Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишида фаолият юритаётган ННТлар
9.	Оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга кўмаклашиш, ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга моддий, маънавий, ижтимоий-ҳуқуқий психологик ёрдам кўрсатиш	2026 йил давомида	Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишида фаолият юритаётган ННТлар
10.	Оила ва хотин-қизлар йўналишида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари форумини ташкил этиш	2026-йил Режа асосида	Юксалиш” ҳаракати, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, ЎзЎННТМА, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, Адлия вазирлиги